



Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
қисқаритириш вазирлиги



2021-2023 йилларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари



инвестиция дастури — мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва иш жойларини яратиш, инфратузилмани такомиллаштириш ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш ва халқ фаровонлиги даражасини ошириш мақсадида давлат бюджет тизимининг бюджетлари ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини ўз ичига олган дастур.

инвестиция лойиҳаси — тармоқ тузилмаларини ривожлантириш ва жойлаштириш схемаси, шунингдек муҳандислик изланишлари ва корхоналар, иншоотларни жойлаштиришнинг вариантли ишланмалари, унинг лойиҳа қуввати ва бошқа техник кўрсаткичлари асосида тузилган минтақалар бўйича ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш схемаси таркибида бажарилган зарур ҳисоб-китоблар билан биргаликда материаллар туркуми. Капитал қурилиш лойиҳасида қуйидаги асосий масалалар ҳал этилади: хом ашё ва тайёр маҳсулотнинг транспорт оқимлари схемаси, ишлаб чиқариш технологияси, ишлаб чиқаришнинг ихтисослаштирилиши ва кооперацияси, иқтисодиётнинг турдош тармоқлари билан алоқалар, ишлаб чиқаришнинг ҳисоб-китоби ва уни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни кадрлар билан таъминлаш, қурилиш учун ажратилган ер участкасидан оқилona фойдаланиш, бинолар ва иншоотларнинг ҳажмли–режалаштириш, архитектура ва конструктив ечимлари, атроф муҳит муҳофазаси, издан чиққан ерларни тиклаш (рекультивация) ва ер қаъри муҳофазаси, қувватларни ўзлаштириш.





Марказлашган инвестициялар ҳисобига ижтимоий объектлар рўйхатини шакллантириш ва уларни амалга ошириш механизмлари юзасидан қуйидаги хужжатлар мавжуд:



- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимга ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 14 майдаги ПФ-5717-сон Фармони;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини шакллантиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 16 октябрдаги ПҚ-4864-сон қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2021 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4936-сон қарори.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 14 майдаги ПФ-5717-сон Фармонига асосан 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг **Инвестиция дастури** тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантиришнинг тасдиқланган концепциялари ва дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида унинг асосий кўрсаткичларини ҳар йили аниқлаштириб ва янгилаб борган ҳолда **уч йиллик** даврга шакллантирилади

Ўзбекистон Республикаси **Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда бюджет тизимининг бюджетлари ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхатини шакллантириш, шунингдек унга аниқликлар ва янгиликлар киритиш, уларнинг амалга оширилишини мониторинг ва назорат қилиш юзасидан **ваколатли орган ҳисобланади.**

Лойиҳа ташаббускорлари — давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ўзларига тегишли қисмларда, инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхатини ўз вақтида ишлаб чиқиш, уларни Дастур лойиҳасига киритиш учун тақдим этиш, тармоқ жадваллари ва лойиҳа ҳужжатларини сифатли тайёрлаш, шунингдек қурилиш-монтаж, ишга тушириш-созлаш, маблағларни тўлиқ ҳажмда ўзлаштириш ва ишлаб чиқарувчи қувватларни ишга тушириш борасида маъсул ҳисобланади.



Уч йиллик Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини амалга ошириш
СХЕМАСИ



T/p	Чора-тадбирлар	Муддатлар	Масъул вазирликлар, идоралар, бошқа ташкилотлар
1	Молиялаштириш ҳажмларини қурилиш-монтаж ишларининг календарь жадваллари билан узвий боғлиқликда аниқлаштирган ҳолда, йилдан-йилга ўтувчи лойиҳалар (объектлар) бўйича 2021 йил учун қурилишларнинг манзилли рўйхатини Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигига келишиш учун киритиш.	2021 йил 15 январь	Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликлар, лойиҳаларнинг ташаббускорлари
2	2021 йилда янгидан бошланадиган лойиҳалар (объектлар) бўйича тасдиқланган лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатлари асосида танлов (тендер) ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказиш, харид қилиш тартиб-таомилларини яқунлаш ва танлов (тендер) ғолиблари билан ўрнатилган тартибда пудрат шартномаларини тузиш чораларини кўриш.	2021 йил 15 февраль	Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликлар, лойиҳаларнинг ташаббускорлари
3	Харид қилиш тартиб-таомиллари яқунланганидан сўнг ўн кун муддатда янгидан бошланадиган лойиҳалар (объектлар) бўйича 2021 йил учун қурилишларнинг якуний манзилли рўйхатини Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигига келишиш учун киритиш.	Доимий	Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликлар, лойиҳаларнинг ташаббускорлари
4	2021 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг асосий параметрларини бажариш, шу жумладан, лойиҳалар (объектлар) бўйича капитал қўйилмаларни ўзлаштиришнинг прогноз кўрсаткичларини чораклар кесимида тасдиқлаб, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим этсин. Бунда: 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигида барча лойиҳалар (объектлар) бўйича маблағларни ўзлаштириш йиллик прогноз кўрсаткичининг камида 40 фоизини, шу жумладан йилдан-йилга ўтувчи объектлар бўйича — камида 55 фоизини бажариш. 2021 йилда фойдаланишга топшириладиган таълим муассасалари объектларини тўлиқ яқунлаш. 2021 йилда фойдаланишга топшириладиган соғлиқни сақлаш ва тиббий-ижтимоий муассасалари объектларини тўлиқ яқунлаш. 2021 йилда фойдаланишга топшириладиган ирригация ва мелиорация тизимлари объектларини тўлиқ яқунлаш.	2021 йил 1 март 2021 йил 1 июль 2021 йил 15 август 2021 йил 1 октябрь 2021 йил 1 декабрь	Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликлар, лойиҳаларнинг ташаббускорлари



Уч йиллик Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини амалга ошириш
СХЕМАСИ



T/p	Чора-тадбирлар	Муддатлар	Масъул вазирликлар, идоралар, бошқа ташкилотлар
5	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни, шу жумладан уларни молиялаштириш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2021 йил 1 март	Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги
6	Дастур доирасида шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг бош режалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларини меъморий-режалаштиришни ташкил этиш, шунингдек, аҳоли пунктлари қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишга малакали хорижий консультантларни жалб қилиб, муҳандислик изланиш ва топографик ишларини якунлаш ва лойиҳалаштириш ишларини бошлаш. Аҳоли пунктлари ҳудудларини зоналаштиришда аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олиш, шунингдек, жойларда урбанизация жараёнларини жадаллаштириш. Соҳага оид илғор хорижий тажриба ва ривожланган давлатларнинг стандарт ва талабларини ўрганган ҳолда, замонавий усулларни қўллаш.	2021 йил 1 июнь	Қурилиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар
7	Дастурнинг ижроси юзасидан тизимли мониторинг ўрнатилишини, ҳар ойда лойиҳалар (объектлар) кесимида муҳокамалар ташкил этилишини ва юзага келадиган масалаларни ҳал этиш чоралари кўриш, натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бориш. 2022 йилда амалга ошириладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаларининг дастлабки манзилли рўйхатини Вазирлар Маҳкамаси Раёсатига киритиш.	Ҳар ойда 2021 йил 1 май	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, лойиҳалар ташаббускорлари
8	Бюджет маблағлари ҳисобидан капитал қўйилмаларни мақсадли ва самарали ўзлаштириш ҳамда лойиҳалар (объектлар) натижадорлигини таъминлашга қаратилган коррупцияга қарши назорат тизимини жорий этиш. Бунда: лойиҳа ташаббускорлари томонидан бюджет маблағларидан фойдаланишда коррупцияга қарши курашиш механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш; молия ва инвестиция соҳаларида мувофиқлик тизими (комплаенс) ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг бошқа самарали воситаларини жорий этиш; лойиҳа ва пудрат ишлари (хизматлари) хариди жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш, ушбу соҳада «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимидан, шу жумладан электрон тендер платформасидан тизимли фойдаланишни ташкил этиш; аниқланган камчиликлар юзасидан ҳар чоракда Олий Мажлис палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига белгиланган тартибда хулосалар киритиб бориш.	2021 йил 1 март Ҳар чоракда	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ҳисоб палатаси



Уч йиллик Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини амалга ошириш
СХЕМАСИ



T/p	Чора-тадбирлар	Муддатлар	Масъул вазирликлар, идоралар, бошқа ташкилотлар
9	Объектларнинг лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилишида энг мақбул меъморий ҳамда техник ечимлар қўлланилиши, қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши, шунингдек, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига риоя этилиши устидан тизимли назоратни таъминлаш.	Доимий	Қурилиш вазирлиги
10	Маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларнинг мақсадли ишлатилишини, шунингдек, қурилиш-монтаж ишларининг сифатли амалга оширилишини ва объектларнинг белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилишини таъминлаш.	Доимий	Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Маданият вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги,
11	Дастурга киритилган лойиҳалар (объектлар) бўйича маблағларни самарали ва мақсадли ишлатиш, қурилиш-монтаж ишларини сифатли бажариш ҳамда объектларни белгиланган муддатларда ишга тушириш. Мақсадли мўлжаллар доирасида 2022 йилда амалга ошириладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси лойиҳалар (объектлар)нинг дастлабки манзилли рўйхатини ишлаб чиқиш ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим қилиш. (№ПҚ-4936 28.12.2020й. 1-илова) 2022 йил ва кейинги йилларда Дастурларга киритилиши назарда тутилаётган объектларнинг лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатларини қурилиш нормалари ва меъёрлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ишлаб чиқиш.	Доимий 2021 йил 1 апрель 2021 йил 1 август	Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4936-сон
қарори билан **2021 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб
чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури** тасдиқланган.



- Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари зиммасига Дастурнинг асосий параметрлари, мақсадли кўрсаткичлари ва манзилли рўйхатлари белгиланган муддатларда тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, ажратилган маблағларни мақсадли йўналтириш ҳамда самарали сарфлаш юзасидан шахсан жавобгардирлар.
- Вазирлар Маҳкамаси Раёсати томонидан Дастурнинг асосий параметрларига тасдиқланган лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатлари ҳамда молиялаштириш манбалари мавжуд бўлган қўшимча лойиҳаларни (объектларни) киритиш, шунингдек, тегишли лойиҳаларни (объектларни) чиқариб ташлаш бўйича ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин.
- Бош вазирнинг биринчи ўринбосари томонидан Дастурнинг асосий параметрларига иқтисод қилинган ёки ўзлаштирилмаган капитал қўйилмалар лимитларини лойиҳалар (объектлар) буюртмачилари (ташаббускорлари) ўртасида қайта тақсимлаш бўйича ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин.
- Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан биргаликда лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш, шунингдек, танлов (тендер) якунлари юзасидан Дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар (объектлар) параметрларига буюртмачилар (ташаббускорлар) бўйича белгиланган капитал қўйилмалар лимитлари доирасида тузатиш ва аниқлик киритилиши мумкин.
- Дастурнинг асосий параметрларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар Вазирлар Маҳкамасига Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан биргаликда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, маҳаллий ҳокимликларнинг тегишли таклифлари асосида киритилади.

ДАСТУР ДОИРАСИ

МУАММОЛАР

ЧОРАЛАР

НАТИЖА



Тизимли ёндашув

- Лойиҳалар танлови бўйича **методология** мавжуд эмас
- **IT-тизим** ривожланмаган
- **Дастурни шакллантириш** мунтазам равишда **кечиктирилган**

- **Методология** ишлаб чиқиш
- **Электрон тизимни** жорий қилиш
- **1 майгача** дастлабки рўхатни, **1 сентябргача** дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш

- **Тизимли ёндашув** ва **шафофликни** таъминлаш
- **Коррупцион омилларни** бартараф этиш
- Объектларни лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва 1 январдан молиялаштиришни тўлиқ очиш



Йўллар

- Йўлларда меъёрдан **ортиқча вазндаги** техникалар ҳаракати
- Юк ташувчи техникалар **вазнини ўлчови тарозилари** мавжуд эмас

- Йўлларга юк ташувчи техника **вазнини ўлчови тарози ўрнатиш** (2021 й. 38 та тарози)
- Тарозилар ўрнатиш учун маблағ ажратиш (**2021 й. 150 млрд.сўм**)

- Йўл ва кўприкларнинг **эксплуатация муддати узаяди**
- Йўлларни таъмирлаш **ҳаражатлари иқтисод қилинади**




Кўприклар

- **4 000 га яқин** эгаси аниқланмаган кўприклар мавжуд
- Уларнинг техник ҳолати қониқарсиз (2200 та)
- **Эксплуатация** ҳаражатлари **учун** деярли **маблағ ажратилмаган**

- **Кўприкларни хатловдан ўтказиш**
- **Балансда сақловчиларни** белгилаб олиш
- Таъмирлаш ва сақлашга маблағ ажратиш (**2021 й. 400 млрд.сўм**)

- **Эксплуатация ташкилотлар** аниқлиги таъминланади
- **Авария ҳолатидаги** кўприклар сонининг қисқаришига эришилади
- Кўприкларни хизмат қилиш муддати узаяди



Бош режалар

- **906 та** шаҳар, туман ва йирик аҳоли пунктларини **тасдиқланган** **Бош режалар** мавжуд эмас
- Лойиҳаларга **ўзгартириш киритиш** заруратлари юзага келмоқда

- Бош режалар тасдиқланишини жадаллаштириш
- Бош режаларни ишлаб чиқишга алоҳида маблағ ажратиш (**2021 й. 150 млрд.сўм, 176 та бош режа**)

- Қурилишда **режалаштиришнинг** самарадорлиги ошади
- Лойиҳаларнинг бир бирига боғлиқлиги таъминланади
- Инфратузилма харажатлари қисқаради



Шаҳар ва туман марказлари

- Туман марказларининг **меъморий қиёфанинг** замон талабларига мос келмайди, аҳоли учун қулайликлар мавжуд эмас

- **Парк зоналарини** ривожлантириш
- **Пиёда ва вело** йўлакларини қуриш
- Алоҳида маблағ ажратиш (**2021 й. 1,4 трлн.сўм**)

- Аҳолининг **соғлом турмуш даражаси ошади**
- Туман, шаҳар **марказлари ободонлаштирилади**



Эътиборингиз учун рахмат!